

ясини шакллантиришда ўтказиладиган тадбирлар ҳар томонлама пухта, шунинг билан бирга, қатнашчиларнинг ёшларига мос педагогик ва психологик муҳассамлашган, мантиқан теран, қизиқарли ва кўргазмали, таъсирчан, оммабоп, амалий жиҳатдан қисқа ва лўнда, эстетик жиҳатдан кенг қўламли бўлиши керак.

Юқоридагиларни мухтасар қилиб қайд этиш мумкин, кейинги йилларда юртимизда аҳоли орасида ва айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги ҳаракатлар изчиллик билан

олиб борилмоқда. Зеро, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш бўйича ислохатлар жамият ва давлат манфаатларини химоя қилиш, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қиладиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва мамлакатимизда соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасаси ҳамкорлигини кучайтириш самаралар гаровидир.

Адабиётлар

1. Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини ташкил этиш. Ри-сола. –Т.: Университет, 1996. 155-б.
2. Йўлдошев Ж. Замонавий ўзбек оилаларида ўсмир болалар шахсининг шаклланиши. Ном дис., –Т.: 2002, 47-б.
3. Мусурмонова О. Оилада соғлом авлодни тарбиялашда оила-маҳалла-таълим муассасалари ҳамкорлигининг устувор йўналишлари // «Ёшларни оилапарвар, ота-оналикка тайёрлашда оиланинг роли» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжу-ман материаллари. – Т.: 2013. 217-.
4. Bennet, G. (1987) The Wound and the Doctor: Healing Technology and Power in Modern Medicine. London: Seeker & Warburg.
5. Borril, C. S., Wall, M. A., West, G. E., et al (1996) Mental Health of the Workforce in NHS Trusts. Leeds: Institute of Work Psychology, University of Sheffield & Department of Psychology, University of Leeds.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи психологиясини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатидаги мақсад ва долзарб вазифалар баён этилган. Шунингдек, мақолада саломатлик психологиясини таъминлаш борасидаги муаммолар ва тавсиялар ўрин олган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены цели и задачи развития психологии здорового образа жизни как приоритета государственной политики. В статье также рассматриваются вопросы психологии здравоохранения и даются рекомендации.

SUMMARY

The article outlines the goals and objectives of developing a healthy lifestyle psychology as a priority of public policy. The article also discusses health care psychology issues and recommendations are given.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА АДАБИЙ ЎҚИШ ВА МАТНИИ ШАРҲЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎРГАТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Ф.Сапаева –*филология фанлари бўйича фалсафа доктори*
Д.Ережепова – *магистрант*

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: педагогик маҳорат, ўзбек тили фани, мазмун, маъно, синфлардаги таълим мазмуни ва талаблари, матнни шарҳлаш, адабий ўқиш, методика фанининг олтин қоидаси

Ключевые слова: педагогические мастерство, предмет “Узбекский язык”, содержание, смысл, содержание и требования аудиторного образования, золотое правило методологии.

Key words: pedagogical skills, “the subject Uzbek language», content, meaning, content and requirements of classroom education, golden rule of methodology.

Ҳозирги кунда замонавий ўқитувчи ўзи машғул олди бораётган фаннинг назарий масалалари қобигида қолиб кетмаслиги, аксинча, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ва қонун ости ҳужжатларига таяниб ўзида касбий компетенция сифатлари ва педагогик маҳорат элементларини шакллантириши, креативлик потенциалига эга бўлиши, чет тиллардан бирини талаб даражасида эгаллаб, хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда инновацион технологияларни кўр-кўрона қабул қилмасдан, миллий ўзига хосликка эга бўлган таълим технологиялари ижодкорига айланиши, аксарият ҳолларда кузатилаётганидек, компьютернинг матн таҳрирловчисидагина эмас, балки уни дастурий воситалари ҳамда мультимедия қурилмалари билан яхлит ҳолда ўз фаолиятида худди анъанавий бўр ва хаттахтадан фойдалангандек эркин қўллай олиши, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиши, моҳир кейсолог, тестолог сифатида ўзини намоён қила олиш каби сифатларни ўзида мужассам қилиши тақозо қилинмоқда. Мана шу ғоялар тадрижий равишда ривожлантириб борилиб, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонуни қабул қилиниб, давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қондалари ва нормаларига риоя этилиши, ўзбек тилининг бойитилиши ва такомиллаштирилишини ҳамма эътироф этган илмий-техникавий ва ижтимоий-сиёсий атамаларни жорий этиш ҳисобига таъминлаши,

лавҳалар, эълонлар, нархномалар ва бошқа кўргазмали ҳамда оғзаки ахборот матнлари давлат тилида расмийлаштирилиши ва эълон қилиниши белгилаб берилди.

Ҳозирги кун ўқитувчиси таълим бераётган таълим муассасаларида, хусусан умумтаълим мактабларида ўзбек (давлат) тилини ДТС фан юзасидан қўйиладиган талабларни яхши билиши ва таълим жараёнини шунга йўналтириши, яъни мавзулар (хоҳ грамматик, хоҳ адабий матн) шу талаблардан келиб чиқиб лойиҳалаштириши керак бўлади.

Қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кўзда тутилган натижаларга эришиш бўйича фаолият тизими ва мазмунини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи қуйи синфлардаги таълим мазмуни ва талабларини ҳам билиши, яъни таълим узлуксизлиги ва узвийлиги билан ҳам яхши таниш бўлиши талаб этилади. Шунингдек, албатта, ўзбек тили методика фанининг олтин қоидаси саналадиган кимга? нимани? нима мақсадда? қайтарзда? бериш кераклигини яхши англаб олиши, сўнгра ушбу режалаштирилган материалларни беришда замонавий таълим технологиялари воситасида ташкил этиладиган янги ўқитиш моделидан фойдаланиш тақозо этилади. Бунинг учун таълим жараёнида нафақат таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳамкорлигидан иборат фаол усулларни, балки таълим олувчилар ўртасидаги ҳамкорликни ҳам таъминловчи интерфаол усуллардан ҳам фойдаланиши, яъни ўқув диалоги ва полилоги лойиҳасини ишлаб чиқиши керак бўлади. Яъни, тил таълимининг асосий вазифаси ўқувчилар (у ўзбекми, ё қорақалпоқ) ўзбек

тилидаги луғат бойлигини ошириш, ушбу луғат бойлигидан грамматик ва услубий жиҳатдан тўғри ва ўринли фойдаланиш, ўз фикрини аниқ, беҳато, жўяли, мантиқли, асосли ва таъсирчан баён қила олиш кўникма-малакаларига эга бўлиш билан бир қаторда:

- таълимни тизимли ёндашув асосида ташкил этиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув фаолиятида адабий ўқиш ва матн шарҳлаш тамойилларини ўргатишга йўналтириш;
- ҳар бир таълим субъектига индивидуал ёндашиш;
- таълим жараёнида ўқувчиларни ўқув фаолиятида таълимни мустақил олиб боровчи тенг ҳуқуқли субъект сифатида;
- ўқитувчини эса ўқув фаолиятининг ташкилотчиси, ўқувчиларининг саводли маслаҳатчиси ва ёрдамчиси сифатида қабул қилиш;
- таълим жараёнида муаммоларни кидириш ва ечиш, билимларни амалда қўллашга йўналтирилган фаол ва интерфаол усулларни қўллаш;
- синф машғулотларида жамоа бўлиб ва кичик гуруҳларда ишлаш шаклини кенг йўлга қўйиш;
- таълим жараёнида таълимнинг анъанавий воситалари билан бир қаторда ахборот технологияларини ҳам кенг қўллаш;
- ўқувчиларни мустақил ишлашга (ёшга қараб) йўналтиришга қаратилган услубларни билиши ва фаол қўллаши талаб этилади.

Биз аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк-молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш – миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўқувчилар нутқини замон талаблари даражасига кўтариш умумтаълим мактабларидаги ўзбек тили машғулотларининг асосий вазифаларидан биридир. Ноўзбек гуруҳларда ўзбек тили дарсларини мавзу характерига қараб хилма-хил, кизиқарли ва фикрлашга даъват этувчи ўйин-топшириқлар, замонавий педагогик (интерфаол) технологиялар асосида ташкил этиш ўқувчиларда мустақил ижодий мушоҳада юритиш, ўз фикрини аниқ, раван, ихчам ҳолда ўзгаларга етказа билиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга ёрдам беради.

Ушбу мақолада мактаб таълимида қорақалпоқ гуруҳларда 11-синф I чорак тақвимий иш режасига мувофиқ ўзбек тили (давлат тили) фани ўқув дастурида белгиланган 9-дарс *«Аждодлар мероси»* мавзуси бўйича тажрибаларимиз баён қилинади. Бу мавзунинг ўргатишда ўқувчилар нутқини ўстириш, ўзбек тилида раван гапиришга ўргатиш, назарий маълумотларни пухта ўзлаштириш, сўз бойлигини ошириш, хотирада сақлаш, улар характерига ижобий сифатларни шакллантириш, аждодларимизга бўлган миллий эҳтиром туйғуларини уйғотишни мақсад қилиб олдик.

Дарсни буюк аждодларимизнинг ҳикматли сўзлари билан: *«маънавият дақиқалари» «Билади ва билишини ҳам билади, у олимдир, унга тобе бўлмоқ керак. Билмайди ва лекин билмаслигини ҳам билади, бу қобил инсондир, унга ўргатмоқ керак. Билар, лекин билишини билмас, у – уйқудади, уни уйғотмоқ керак. Билмас, лекин билмаслигини ҳам тан олмас, у – жоҳилдир, ундан қочмоқ керак»* – бошладим.

Бу, албатта, ўқувчилар диққатини жамлашга ёрдам беради.

Машғулотни ўтган мавзунинг эслаш – «Зинама-зина» технологиясини қўллашдан бошладим. Бунинг учун

ўқувчилар 3 гуруҳга бўлинди. Ҳар бир гуруҳдан бир жуфт ўқувчи хаттахта ёнига чакирилиб уларга топшириқ берилди. Топшириқка кўра, ҳар бир гуруҳдан чиққан вакил (ўқувчи)га биттадан ватман қоғози ва маркер берилди. Улар ўтган мавзу (тақвимий режа асосида) *«Матн яратиш»* ҳақида аниқ ва тўғри жавоб беришлари керак эди. Шарт шуки, биринчи жавоб берган гуруҳ айтган маълумот иккинчи гуруҳ томонидан такрорланмаслиги лозим. Бу топшириқни ўқувчилар қуйидагича бажарадилар:

1-гуруҳ вакили: Аслида таълим бошқа тилларда (қорақалпоқ, қозоқ, туркман, тожик...) олиб бориладиган мактабларда ва рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад талабаларга ўзбек тили грамматикасини ўргатиш эмас, балки уларда ўзбекча матн тузиш ва нуткий кўникмаларни ҳосил қилдиришдир. Бунинг учун турли гап қурилмаларини ўргатиш, зарур бўлган грамматик билимларни, сўз ва сўз бирикмаларининг боғланиш қоидаларини эса нуткий эҳтиёж, фикр ифодалаш мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўргатиш талаб қилинади. Демак, тилни ўзбек тили сифатида ўқитиш билан иккинчи тил сифатида ўқитиш бир-биридан фарқли бўлиб, ўзига хосликларга эга.

2-гуруҳ вакили: Ҳақиқатан ҳам, тил бирликларини нуткий мулоқотда қўллаш даражасини ҳисобга олган ҳолда маълум тоифаларга тақсимлаш ва шу тақсимот асосида уларни ўқув материали таркибига киритиш таълимда такрорлар, қайтариқлар бўлмаслигига, тил таълимининг узвийлигини таъминлаш орқали таълимни босқичлараро узлуксизлик асосида ташкил қилинишига ва таълим самарадорлигига эришишга олиб келади.

3-гуруҳ вакили: Ўзбек тили фанидан ўқув дастурлари тузишда кўп миллатли республикамизнинг умумий ўрта таълим босқичида таълимнинг 7 тилда олиб борилиши, ушбу тилларнинг генетик жиҳатдан турли тиллар оилаларига мансублиги, рус ва тожик тиллари ҳинд-европа тиллари оиласига, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз ва туркман тиллари ўзбек тили каби туркий тиллар оиласига кириши, грамматик тузилиши жиҳатдан ҳам рус ва тожик тиллари флексив, туркий тиллар эса агглютинатив тузилишли тиллар эканлиги эътиборга олинishi, фаол ва нофаол лексик-грамматик минимумни белгилашда эса, аввало, шунга асосланиш лозим...

Мен жавобларни баҳолашдан аввал мавзуга оид ёритилмай қолган жиҳатларни ҳам айтиб ўтдим.

Сўнгра янги мавзу баёнига ўтдим. Талабалардан: *Буюк алломаларимиздан кимларни биласиз? Фанимиз, тилимиз заҳматкашларидан-чи?* – деб сўраганимда уларнинг жавоблари мени қониқтирди.

Янги мавзу баёни, аввало, мавзу номи, режа, таянч тушунчалар, тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати компьютер орқали электрон доскада ўқувчилар диққатига ҳавола қилинди. Кейин буюк аллома – туркий тиллар диалект ва лаҳжаларини, шу билан бирга оғзаки ва ёзма адабий ёдгорликларни ўрганган Маҳмуд Қошғарийнинг сиймоси экранда кўрсатилгач, ўқувчиларга шундай мурожаат қилдим: *«Маҳмуд Қошғарий фаолиятига доир матнни кузатинг ва электрон ўқитувчи талаффузига диққат билан эътибор қилинг. Ҳар бир гуруҳнинг маълумотларни қай даражада эслаб қолиши, услубий хатоларсиз, раван, ҳикоя қилиши баҳоланади»*.

Компьютер технологиялари орқали овоз воситасида маълумотларни узатиш ўқувчиларда мавҳум тафаккурдан жонли мушоҳадага ўта билиш кўникмасини шакллантиради. Бир мавзу доирасида бир неча ахборот берилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўқувчилар ҳам тинглаб, ҳам ёзадилар. Эсда қолиш қобилияти ўсади. Ҳар гуруҳдан бир вакил (ўқувчи) топшириқни бажаради. Уларни баҳолашдан олдин,

нуткидаги айрим жузый нуқсонларни (масалан, қорақалпоқча сўзларни қўшиб ишлатиш: *атасы – отаси, мағлыўматы – маълумоти, аўылында – қишлоғида...*) тузатиб, алоҳида мавзу юзасидан луғат тузишларини тавсия қиламан.

Шу тарика ўқувчиларга ўзлаштирган билимлари юзасидан «Ақл чархи» технологиясини қўллаб, ҳар гуруҳга уртадан назорат саволларини бераман. Жавоблар аниқ, қисқа ва лўнда бўлишини алоҳида таъкидлайман. Масалан, саволлар қуйидагича бўлади: 1. *М.Қошғарий қайси даврда, қайси соҳа йўналиши бўйича машҳурликка эришди?* 2. *Буюк аллома нима учун ўз ватанини тарк этади ва қардош халқлар орасида юришга мажбур бўлган?* 3. *«Девону луготит турк» нечанчи йилларда ёзилган?* 4. *«Девон»да нималар баён қилинган?* 5. *«Девон» қайси тилда яратилган? Нима учун?*...

Равшанки, бу саволлар ўқувчиларни фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга, янада изланишга, ўрганишга, албатта, билим савияси чуқурлашишига ижобий таъсир кўрсата олади. Сўнгга ҳар учала гуруҳ вакиллари алоҳида-алоҳида биттадан (олдиндан тайёрланган) 3 та матн: «Маҳмуд Замахшарий фаолияти», «Алишер Навоий ҳаёт йўли», «Юсуф Хос Ҳожиб ҳақида» матнларини тарқатаман. Бу услубни турини «Галерея» деб номланишини айтиб, топшириқ бераман. Ўқувчилар матнларда буюк алломалар ҳаёти ва фаолитига доир, асарларига хос, ҳикматли сўзларига оид манбалар берилган бўлиб, ўша маълумотлар асосида хаттахтага илинган бир неча расмлар, картиналар, асарларидан парчаларни ўзларича йиғиб, бир бутун «Галерея» ҳосил қилишлари лозим бўлади. Бу топшириқни ҳар гуруҳдан бир ўқувчи хаттахта олдида бажаради ва ҳар бир жамлаган материални изоҳлаши керак бўлади.

Масалан, «*Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай*»,... «*Чиндан ҳам мен Хоразмда адиблар учун бир каъбаман...*»,... «*Ўз юртингда халқ ичида хизматда бўл, Хушёр бўл, ўсал бўлма, сезгир бўл*»,... каби.

Баҳолашдан олдин, албатта, янглиш йиғилган материал, манба бўлса, изоҳ бериб ўтаман.

Шундан сўнг яна компьютер орқали «Грамматик ёки лисоний матн яратиш»га оид маълумотлар слайдлар орқали намойиш қилинади. Шунга алоҳида таъкидлашимиз жоиз, мавзу қорақалпоқ тили билан қиёсланган ҳолда, мисоллар билан ёритилади.

Мисол учун, тил назарияси билан боғлиқ: «Белгилаш олмошлари ўзбек тилида: ҳамма, барча, бори, жами, бутун, ҳар ким, ҳар нима, ҳар нарсаси, ҳар бир,...каби ифодаланса, қорақалпоқ тилида мазкур олмош турининг ўзи икки ном билан: а) белгилеу алмасықлар: ҳэр, ҳэр бир, ҳэр ким, ҳэр нэрсе,... б) жэмлеу алмасықлар: барлык, гүллэн, пүткил, хэмме, бэрше, жэми,...каби ифодаланиб, ўзбек тилидан айнан шу каби жиҳатлари билан фарқланади... Ўқувчиларга янги мавзунини ўтишимда, ушбу мавзудаги тегишли назарий ва амалий мустақамловчи воситаларни келтириш ўринлидир:

- мавзу бўйича мавжуд маълумотларнинг тўлиқ баёни;

- мавзу юзасидан назорат саволлари ва топшириқлар;
- назарий маълумотлар акс этган слайдлар;
- анимацион ролик ва жадваллар;
- машқ дастури;
- таянч сўз ва иборалар;
- интернет маълумотлари;
- овозли матнлар;

Ўқувчининг қай даражада билим олганлиги ҳамда ўзлаштириши янги мавзунини ўзлаштириш жараёнида маълум бўлади. Амалий вазифалар жумласига машқ ҳамда назорат саволлари, тарқатма материаллар, анимацион ролик ва жадвалларга яширинган жумбоқли мақолларни киритиш мумкин. Шу жиҳатдан машқ бажариш дастурини мукамаллаштиришга алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Қуйидагича «Машқ» дастуридан фойдаланиш мазкур муаммони ҳал этишга кенг қулайлик яратиб беради. Бунда вақтни иқтисод қилиш ҳисобига кўпроқ ижобий натижага эришиш мумкин. Масалан, компьютер хотирасига киритилган қуйидаги машққа эътибор қаратайлик: (*Сўроқ сўзлар ўрнига берилган сўзлардан мосини қўйиб ўқинг. Сўроқ гапларни дарак гап шаклида қўчиринг*)

1. Ким ўзини мақтар?	Беш, буқа, оғриқ, гавҳар, ахмоқ
2. Неча бармоқ баробар эмас?	
3. Қандай тишининг давоси ом-бур?	
4. Нима семирса эгасини сузар?	
5. Нима ерда ётмайди?	

Машқнинг қоғоз вариантлари ҳам ҳар гуруҳга алоҳида тарқатилади. Бу топшириққа қўшимча, учала гуруҳга яна биттадан «Жадвалларга яширинган жумбоқли мақоллар» рукнидаги машқ материаллари тарқатилади. (Мақоллар сони 10-15 тақа бўлиши мумкин) Машқ қуйидагича бўлади: (*Мақолни давом эттиринг, шу асосда кичик матн яратинг*)

1. Сен бўрини аясанг –	шунга бўласан зор
2. Ўзинга эҳтиёт бўл –	сен тинч
3. Бировга чоҳ қазиган –	қўшинингни ўғри тутма
4. Ватанинг тинч –	бўри сени талайди
5. Нимани қилсанг хор –	ўзи йиқилар

Топшириқлар бажарилгач, гуруҳлар томонидан тақдимот қилинади.

Бажарилаётган машқ ёки назарий саволлар давомида ўқувчига рағбат (Баракалла!) ёки огоҳлантириш (Аттанг!) карточкалари бериб борилади. Бу, ўз навбатида, таълим олувчининг натижага қизиқиши орқали ўзлаштиришга бўлган интилишини янада орттиради.

Шундай қилиб, замонавий таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ёки матн яратишни ташкил этишда интерфаол усулларни қўллаш, қолаверса, компьютер технологиялари асосида тайёрланган илмий-назарий манбалар, слайд ишланмалари ўқувчиларнинг фанларни замонавий техника воситаларидан фойдаланган ҳолда тез ва осон ўзлаштиришларига имкон яратади. Бундан ташқари, шу тарзда ташкил этилган дарслар қизиқарли ва самарали бўлиши табиий.

Адабиётлар

1. O'zbekiston Respublikasining "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi", 1997- yil, 29-avgust. Barkamol avlod – O'zbekiston taraqqiyotining poydevori.. Toshkent, "Sharq" nashriyot-matbaa konserni, 1997.
2. Uzlüksiz ta'lim tizimi uchun o'quv adabiyotlarining yangi avlodini yaratish konsepsiyasi. -T.: Sharq, 2002.
3. Абдурахмонов, С.Мамажонов. Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент. "Ўзбекистон", 2002.
4. Д.Рўзиева ва б. Интерфаол методлар моҳияти ва қўлланилиши. Тошкент. Низомий номидаги ТДПУ, 2013.
5. Ўзбекистон Республикаси ХТБ томонидан тавсия этилган умумтаълим мактаблари учун 2019-2020 ўқув йили учун ўқув-тақвим режаси.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада замонавий таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишда адабий ўқиш ёки матн шарҳлашни ташкил этишда интерфаол усулларни қўллаш методлари, технологиялари ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается использование интерактивных методов и современных технологий в обучении чтению и анализу художественного текста по узбекскому языку.

This article is devoted to using interactive methods and modern technologies in teaching reading and analysis of the literary text in the Uzbek language.

РУЎХЫЙ ЖЕТИКЛИК ХАМ ОҒАН ЕРИСИЎ ЖОЛЛАРИ

М.Сейтов – магистрант

Ўжинияз атындағы Нөкис мамлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: инсон, оила, жамият, маънавийлик, адолат, тарбия, фалсафа, адоб-ахлоқ, баркамол шахс.

Ключевые слова: человек, семья, общество, духовность, справедливость, воспитание, философия, нравственность, зрелая личность.

Key words: man, family, society, spirituality, justice, education, philosophy, morality, mature personality.

Хар ким бул дуньяни өзлери гана көре алады. Яғный, өзиниң ишки дуньясының тәлийматы менен түсине алады. Тәлиймат дегенде, оның алған билими, тәрбиясы десек болады. Адам баласы тәрбияны ең дөслеп шаңарақтан, сол шаңарағындағы ата-анасы, жасы үлкенлерден алады. Солар қандай тәрбия берсе, солай қәлиплесип бара береді. Жақсы, ибратлы тәрбия алса, онда ол, ишки дуньясы кеңейип, еле де жақсылар қатарына кирип бара береді. Ер жете келе абырайлы, әдеп-икрамлы, искер азамат болып жетилесиди. Оны халық тыңлайды хәм әлбетте оны хұрмет етеди. Ал, керисинше болса ше? Яғный шаңарақта жасы үлкен, ата-аналарының өзлериниң тәрбиясы сайыз болса онда не? Онда перзент барқулла тосықларға дуўшар болады. Ол өзиниң келте ойлығы менен дуньяны көре алады хәм тар пикири менен пикирлейди. Және, өзлери сүрнигип, жығылатуғын ўақыяларда да басқаларды айыспайды. Оның сол сүрнигип, жығылыўына хеш ким айыплы болмаса да, буны түсингиси келмейди, түсинип билмейди де. Солай етип, биреўлер хаққында жаман пикирлер айтады хәм өзлерин соның менен ақлайды. Бундай кубылыслар бәрқулла тәкирарланбақта хәм жәмийетте де ушыраспақта. Хәттеки, онлаған өмирди майырған жаўыз жынайтшыларда өзлериниң ислеген ислерин әжайып, салдамлы сөзлерди қолланып түсиндиреди, «бизлер айыплы емеспиз, олар өзлери айыплы» дейди олар. Көпшилик адамлар өзлериниң ерси ислериниң гүнә екенлигин хеш ўақытта мойынлағысы келмейди. Ата-анадан қалатуғын уллы сыйлық – бул дурыс тәлим-тәрбия. Ата-ананың дәўлети, атак-абырайы перзент ушын сыйлық емес. Соның ушын да перзент тәрбиясында руўхыйлық биринши фактор болып есапланады. Биз руўхыйлықтың инсан хәм миллет турмысындағы орнын анық билип алыў хәм сол тийкарда жәмийетти раўажландыруў ушын оның мазмунына дыққат қаратып, оны терең аңлап алыўымыз зәрүр. Адамның тек гана илимий дуньясы емес, ал жәмийет хәм мамлекет турмысы менен байланысын, жәмийетлик-сиясий искерлигинен баслап хәрекетти менен умтылыўшылықларын өз ишине алатуғын руўхыйлық хаққында усы ўақытқа шекем, илим-пәнде терең хәм фундаменталь тийкарда илимий-изертлеў алып барылмаған. Өне, усы жағдайды терең аңлай билген Биринши Президентимиз И.Каримов ғәрезсизликтин дәслепки жылларынан баслап-ақ, руўхыйлықтың мазмунын, жәмийетимиз ушын әхмийетин бизиң миллигизимизге тән тәреплерин сўўлендирип бар дыққат-итибарын қаратты. Әсиресе, оның «Жоқары мәнаўият-жеңилмес күш» шығармасы оның көп жыллық бақлаўлары, ой-пикири, дуньяға деген көз-қарасы жәмленген болып, онда руўхыйлық тараўына байланысмы назамлар, түсиниклер хәм принциплер бир система сыпатында талқыланған. Соның менен бирге, «Мәнаўият инсанның қанына, сүйегине жыллар даўамында ана сүти, шаңарақ тәрбиясы, ата-бабаларының нәсияты, Ұатан туйғысы бул турмыстың басы-базыда ашшы-душшы, гейде қуўанышлы сабақлары арқалы қатлам-қатлам болып сиңип барады. Әсиресе, тәбиятында (минезинде) адамларға жақынлық, бәрқулла жақсылықты ойлап жасаў, ҳадал мийнет етиў, дуньяның теңсиз инамлары, гөззаллықларынан заўық алып

жасаў, руўхиятқа азық береді, оны және де күшейттиреди» дейди [1:28].

Руўхыйлықтың және бир принциплериниң бири – улыўма инсанийлық қәдириятларға садықлық, әдалат пенен теңдикте өз көринисине ийе болып, инсанның қәдир-қымбатын баҳалаўда әхмийетли роль атқарады. Адам баласы әдалат хәм теңликке шаңарақта, мәхәлледе, жәмийетшилик арасында, жұмыс орнында, саўдасатық арасында хәм басқа да қәлеген жерде руўхыйлыққа әмел етип келеди. Бул нәрсе әсиресе, басшы лаўазымдағылардың мийнеткешлерге, административлик ҳуқыкый органлардың пуқараларға қатнасында анық көринеди. Әдалат хәм теңлик сыяқлы улыўма инсанийлық қәдириятларды жәмийетте орнатыў, бәрқулла оған әмел етип жасаў, ғәрезсизлигимизди бекемлеўде оғада әхмийетли болып, оның бузылыўы, оны менсинбеў жәмийетлик турмыста үлкен зыян келтиреді. Руўхыйлық – бул инсанды баслы барлық жәнлик-жәниўарлардан ажыратып туратуғын ең күшли фактор. Ол инсанның психологиялық хәм ақыл-дуньясының жыйынтығы сыяқлы қурамалы кубылысқа ийе болып, ол көбирек инсанның ишки дуньясы, кеўил сарайы менен байланыссы болып табылады [2:18].

Шығыста белгили Ибн Сино, Беруний, Фарабий, Наўайы сыяқлы данышпанлардың жетик инсанды тәрбиялаў хаққында пикирлери әхмийетли. Фарабий әдепли жақсы минез-қулықлы инсан дегенде илим билимге умтылатуғын, хақыйқат хәм әдиллик ушын ғүресетуғын, нахақ сөзлердин душпаны, өз пикиринде тура алатуғын адамларды айтады [2:137].

Уллы өзбек шайыры Наўайының дөретпесинде хәм өмир жолында жетикликтин барлық қырлары өз сәўленейўин тапқан. «Инсан қәлбиниң қуўаныш хәм қайғысын, жақсылық хәм өмир мазмунын терең сәўлендирген Наўайыдай шайыр дунья әдебияты тарийхында кемнен кем табылады. Ана тилине мухаббат, оның теңи-тайы жоқ байлығы хәм уллылығын аңлаў сезими бизиң санамызға, жүрегимизге ең дәслеп Наўайы дөретпелери арқалы кирип келди» [1:47].

Қарақалпақ халқының уллы шайыры Әжинияз да жетик инсан ушын жарасқылы пазыйлетлер туўралы баҳалы пикирлер билдиреди:

«Өтирикти рас етип айтпаған»; «Сөйлегенде сөздин паркын билмеген, Адам деген билан инсан болурмыў»; «Өзиң дана болдың хәм ақылың жетик». Ол жетик инсанның ең ағла пазыйлетти сыпатында халыққа мухаббаты, халық ушын мийнет етиўди атап көрсетеди [2:137].

Сонлықтан, мамлекет тәғдири менен келешеги жетик инсанлар қолында. Өз елине, халқына, мамлекетине садық пуқараларды, излениўши, дөретийўши инсанларды, руўхый хәм физикалық жақтан жетилискен адамларды тәрбиялаў улыўма халықлық, улыўма мамлекетлик көлемдеги кешиктирип болмаитуғын хәзирде заманның ең тийкарғы ўазыйпаларының бирине айланбақта. Инсан руўхыйлығын жоқарылатпай турып, халқымыз турмысының раўажланыўында, мамлекет цивилизациясының өсийинде табысларға ерисиў қыйын. Руўхый тәрбия бул – жәмийет турмысының жүдә нәзик, әхмийетли тараўларының бири. Бул тараўда көз-боймашылық, немқурайлық хәм басқа да